

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

*Нуритдинов Азизхон Усманович*

*Uneversity of Business and Sciance*

*ижтимоий фанлар*

*кафедраси ўқитувчиси*

**Калим сўзлар:** сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, жамоалар, ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти.

**Аннотация.** Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шаклантириши ва ривожлантириши, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиши, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишига муносаб ҳисса қўшган нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириши борасида давлатимизда олиб борилаётган ишлар, юртимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишига, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишига қаратилгандир.

Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишига, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишига қаратилгандир. Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қўмиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган

барча ислоҳотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллариданоқ, республикамида адолатли хуқуқий- демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш масаласи олдимизга қўйилган устувор мақсадлардан бирига айланган.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999), “Жамоат фондлари тўғрисида”ги (2003), “Ҳомийлик тўғрисида”ги (2007), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007), “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014) қонунлар, “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма Қарори (2008), “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2005) ва “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2013) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (2014), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-5430 сонли Фармони 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли

ривожланиши учун мустахкам замин яратиб берди.

Ушбу меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг изчил ва босқичма-босқич қабул қилиниши натижасида, йилдан йилга тегишли инфратузилма – шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларнинг турли ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, бирлашмалари ва фонdlари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолияти кучаймоқда ва такомиллашмоқда.

**“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”да фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш – давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгилаб берилган.**

2021- йилнинг 3-4 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул килинган **“Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан кўллаб-куватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5012-сонли Қарор ҳамда **“2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги ПФ-6181-сонли Фармон Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замонавий босқичида янги саҳифани очиб берди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-хуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва

Хукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очик мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

Кўрилаётган чоралар натижасида сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 20,7 фоизга ошди, шу жумладан 187 та йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади.

Шу билан бирга, ушбу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболларини белгилаб олиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2015.
2. Мирзиёев. Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. З жилд. Т. Ўзбекистон. 2019.
3. Холиқова. Р. Е. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Ўқув қўлланма. Т. 2021.

4. Туляков. Э. Тараққиёт стратегиси мракази материаллари асосида. Т. 2020.
5. <https://lex.uz/docs/5319756#5320870>.
6. <https://core.ac.uk/download/pdf/234647531.pdf>
7. <https://www.investopedia.com/ask/answers/13/what-is-non-government-organization.asp>